

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.02.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШОФИЕВ ОБИДЖОН БАХТИЁРОВИЧ**

**ЭРКИН АЪЗАМ НАСРИ БАДИИЯТИ  
(киноя ва образ)**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Шофиев Обиджон Бахтиёрович**

Эркин Аъзам насри бадиияти (киноя ва образ) ..... 3

**Шофиев Обиджон Бахтиёрович**

Художественность прозы Эркина Аъзама (ирония и образ)..... 23

**Shofiev Obidjon Bakhtiyorovich**

The art of Erkin Azam's prose (irony and image)..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications ..... 49

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.02.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШОФИЕВ ОБИДЖОН БАХТИЁРОВИЧ**

**ЭРКИН АЪЗАМ НАСРИ БАДИИЯТИ  
(киноя ва образ)**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Fil264 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Термиз давлат университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (samdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz манзилига) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Амантурдиев Анвар Джабборович**  
филология фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:** **Ҳасанов Шавкат Аҳадович**  
филология фанлари доктори, доцент

**Кучкарова Мархабо Худойберганоўна**  
филология фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:** **Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети бош ўқув бино 1-қават, анжуманлар зали, 105-хона.

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**М.Қ.Муҳиддинов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

**А.Б.Пардаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

**А.Э.Маматов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида турли миллий адабиётларда кинонинг намоён бўлиш усуллари, унинг ижтимоий-тарихий асослари ҳамда ифода этиш воситалари юзасидан кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Классик, романтизм, модернизм ва постмодернизм босқичларида кино ва унинг образ яратилишидаги аҳамиятига алоҳида диққат қаратиб келинган. Адабиётшунослик фанида кинонинг махсус илмий феномен сифатида тан олиниши ва тадқиққа тортилиши, асосан, ўтган асрнинг охири ва янги асрнинг бошларида юз бераётган глобаллашув жараёни билан чамбарчас боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, кино ва образ масалаларини замонавий илмий ёндашувлар асосида тадқиқ этиш бадиий адабиёт ривожига муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Дунё адабиётшунослигида кинонинг турли сифат кўринишлари, ифода воситалари, пародия, парадокс, гротеск каби бадиий кўринишлари, киновий образ талқини ва таснифи бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бадиий асар структурасида кино ва образнинг ўрни, киновий асарда ёзувчининг индивидуал маҳоратини ёритиш, воқеликка киновий муносабатни юзага келтирувчи ижтимоий-психологик омилларни аниқлаш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда замонавий жаҳон адабиётшунослиги бадиий адабиёт орқали оламни фалсафий англашда кинонинг ўрни ва аҳамиятини жаҳон фани эришган энг янги илмий тамойиллар ва ёндашувлар асосида ўрганишни тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан, миллий адабиёт намуналаридаги кино ва образ масаласини замонавий талаблар асосида тадқиқ этиш жаҳон адабиётшунослигидаги муҳим масалалардан бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бадиий адабиётни ижодий-индивидуал услуб нуқтаи назаридан тадқиқ этиш борасида жиддий ютуқларга эришилди. Зотан, воқеликка киновий муносабат кўринишларини бадиий образ яратиш маҳорати билан узвий алоқада тадқиқ этиш адабиётшунослик олдида турган долзарб вазифалардан саналади. Ҳозирги ўзбек адабиётшунослигида бадиий асарни таҳлил қилиш, ижодкорнинг поэтик маҳоратини ёритишда жаҳон адабиётшунослигининг турли тадқиқот методлари асосида ёндашув сезилмоқда. Шунингдек, бадиий образ яратишда ижодий индивидуаллик ва адабий таъсир, жаҳон адабиёти намуналари билан қиёсий-типологик, умумийлик ва ўзига хослик каби масалаларни атрофлича тадқиқ этиш зарурати мавжуд. Бинобарин, “Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканини, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ”<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” мавзусида Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2017, 4 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сонли Фармони, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чоратadbирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Кейинги йилларда адабиётшунослар ва танқидчилар Эркин Аъзам ижодига кўпроқ назар ташламоқдаларки, бу қувонарли ҳол адибнинг топталган адабий йўллардан эмас, балки янги йўлларни кашф этиб бораётгани билан изоҳланади. Адиб илк ижод намуналари биланоқ илмий ва адабий жамоатчилик эътиборини тортди. Унинг илк ижодига У.Норматов, Н.Худойберганов, Н.Шукуров, О.Тоғаев, Н.Владимирова, Р.Отаев, Ҳ.Болтабоев, И.Ҳасановлар<sup>1</sup> муносабат билдирганлар. Айниқса, мустақиллик йилларига келиб, адиб ижодига бўлган қизиқиш тобора ортиб борди. Хусусан, Эркин Аъзам ижоди ҳақидаги А.Расулов, С.Тўлаганова, М.Кўчқорова, М.Шералиева, Ф.Ражабова С.Қурбоновларнинг тадқиқотларини алоҳида тилга олиб ўтиш лозим<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Норматов У. Кичик мўъжизалар // ЎзАС, 1982, 14 май; Худойберганов Н. Ўзи ҳам, сўзи ҳам / Сени ўйлайман, замондош (70–80-йиллар ўзбек насри, шеърятини ва адабий танқидчилиги ҳақида ўйлар, мулоҳазалар, мунозаралар). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. – Б. 90-130; Шукуров Н., Ҳасанов И. Камалакдек ранг-баранг // Ёшлик. – 1984. – №12. – Б. 68-71; Тоғаев О. Гражданин – инсоннинг шаклланиши (Эркин Аъзамовга) / Прометей олови. – Т.: Ёш гвардия, 1985. – Б. 112-124; Владимирова Н. Новеллачиликдаги изланишлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1988. – №6. – Б. 13-16; Владимирова Н. Развитие узбекской прозы XX века и вопросы художественного перевода. – Т: Фан, 2011. – С. 129-130; Отаев Р. Дилрабо қўшиқлар айтилаверсин // Шарқ юлдузи. – 1984. – №2. – Б. 162-163; Болтабоев Ҳ. Ўз сўзини излаб // ЎзАС, 1982, 20 август.

<sup>2</sup> Расулов А. Жасур қалам соҳиби // Шарқ юлдузи. – 2010. – №5. – Б. 68-75; Шу муаллиф. Услуб – истеъдод портрети (Эркин Аъзам ижоди). Адабий портрет. – Тошкент: Янги аср авлоди. – 2013. – 108 б.; Тўлаганова С. “Қурок”нинг кўзи // Ёшлик. – 2014. – №12. – Б. 35-37; Шу муаллиф. Янгиланаётган қаҳрамон талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2012. – №4. – Б. 95-99; Кўчқорова М. “Шовқин”нинг шов-шувлари // Ёшлик. – 2013. – №1. – Б. 44-45; Шу муаллиф. Киноявий образ яратишдаги бадиий шартлилик воситалари / Ўзбек адабиёти масалалари. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: 2013. – Б. 45–60; Шу муаллиф. Эркин Аъзам насрида сув шартли бадиий тимсоли // Тил ва адабиёт таълими. – 2013. – №12. – Б. 38-40; Шу муаллиф. Киноявий наср ва бадиий шартлилик // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2013. – №6. – Б. 48-52; Шу муаллиф. Янгиланган реализм: киноя, байтбарак, прототип масаласига доир / Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммолари. – Тошкент: Фан, 2018. – Б. 174-183; Шералиева М. “Кичкина одам”нинг овози // Гулистон. – 2002. – №1. – Б.60; Шу муаллиф. Қаҳрамон позицияси эстетик аналогия сифатида / Бобурнинг андишаси. Тошкент: Турон замин зиё, 2015. – Б. 35-42; Шу муаллиф. Насрда лиризм ва киноя (Эркин Аъзам асарлари мисолида) // Шарқ юлдузи – 2012. – №1. – Б. 156-161; Шу муаллиф. Киноявий асар қаҳрамони ижтимоий-

А.Холмуродов, М.Шералиева ва Ш. Тошхўжаеваларнинг диссертацияларида Эркин Аъзам ижоди кўйилган масалаларни ўрганиш учун манба бўлиб хизмат қилган<sup>1</sup>. Адабиётшунослигимизда Э.Аъзам ижодининг турли қирраларига тўхталиб ўтилган бўлса-да, унинг насри бадиияти, жумладан, киноя ва образ масалалари монографик планда махсус тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Термиз давлат университетининг “Ҳозирги адабий жараён масалалари” мавзусида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Эркин Аъзам насри поэтикасини тадқиқ этиш асосида киноя, қиёсий-типология, адабий таъсир, образлар табиати масалаларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Эркин Аъзам насрида киноя, пародия, парадокс, гротеск каби бадиий ифода воситаларининг аҳамиятини ёритиш;

ёзувчи насрий асарларини бошқа ижодкорлар асарлари билан қиёсий ўрганиш асосида адабий таъсир масалаларини очиб бериш;

адиб насрига хос образлар тизими ва табиатига оид жиҳатларини ўрганиш;

ижодкор асарларидаги қаҳрамонларни давр ва ижтимоий муҳит билан боғлиқ равишда таснифлаб ўрганиш;

адиб насридаги қаҳрамонларни уларнинг асар воқелигидаги фаол иштирокига кўра таснифлаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Эркин Аъзамнинг шу кунга қадар яратилган барча насрий асарлари, зарур ҳолларда, драматик асарлари олинди. Шунингдек, қиёслаш учун Ч.Айтматовнинг “Оқ кема”, Х.Султоннинг “Ёзнинг ёлғиз ёдгори” қиссалари, рус адиби А.Чеховнинг “Хамелеон” ҳикоясидан фойдаланилган.

**Тадқиқот предмети**ни Эркин Аъзам насрида киноя ва унинг пародия, гротеск, парадокс каби кўринишларининг бадиий-эстетик омиллари ва бу

---

психологик тип сифатида // АДУ Илмий хабарнома. – 2012. – №4. – Б. 76-80; Ражабова Ф. Адабий қаҳрамон янги талқинда // Илм сарчашмалари. – 2010. – №4. – Б. 92-94; Шу муаллиф. Индивидуал услубда образ тасвири // Бадиий тафаккур ва адабий жараён. Илмий тўплам. – Тошкент: 2010. – №12. – Б. 31-35; Шу муаллиф. Ф. Эркин Аъзам услубида сўз қўллашнинг ўрни // Илм сарчашмалари. – 2013. – №7. – Б. 61-63; Шу муаллиф. Закий қаҳрамонлар талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2015. – №6. – Б. 57-60; Шу муаллиф. Эркин Аъзамнинг сўз қўллаш маҳорати // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2016. – №2. – Б. 73-76; Шу муаллиф. Аччиқ қисматли шахс фожiasi // Шарқ юлдузи. – 2016. – №2. – Б. 130-133; Қурбонов С. “Шоирнинг тўйи” қиссасида қиёфасиз қиёфа тасвири / Ўзбекистон ёш тилшунослари ва адабиётшуносларининг анъанавий илмий анжумани материаллари. – Тошкент, 2010. – Б.142–144; Қурбонов С. “Шовқин” романида образлар тизими // Ўзбек тили ва адабиёти. 2012.– №4. – Б.99–104; Шу муаллиф. Ҳикоя структурасида микромаънларнинг ўрни / Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб масалалари. Профессор Ҳ.Ҳомидий таваллудининг 80 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференция материаллари. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ нашриёти, 2015. – Б. 248-252;

<sup>1</sup> Холмуродов Абдухамид. Ўзбек қиссачилиги: тараққиёт муаммолари (XX асрнинг сўнгги чораги). Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2008. – 291 б; Шералиева М. Ҳозирги ўзбек насрида киноя (ижтимоий-психологик омиллари, поэтик тизимдаги ўрни). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2017. – 155 б; Тошхўжаева Ш. Эркин Аъзам асарлари лингвопоэтикаси: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Фарғона, 2017. – 50 б.

бадий-ифодавий воситаларнинг адиб ижодидаги функциялари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда таҳлил ва талқиннинг қиёсий-типологик, психологик, социологик, биографик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:  
истиқлол заруратининг ҳис этилиши 70-йиллар адабий авлодининг ғоявий-эстетик мавқеини ҳамда ушбу давр адабиётининг бош тамойилларини белгилаганлиги асосланган;

образ яратиш борасида адиб насрий асарларининг жаҳон адабиёти намуналари билан қиёсий-типологик ўхшашликлари аниқланган;

ёзувчининг образ яратиш маҳорати шаклланишида жаҳон адабиётидан ижодий таъсирланганлиги исботланган;

бадий образ яратишда парадокснинг киноявий бадий шартлиликни ифода этиш ва персонаж ижтимоий моҳиятидаги сохталикни фош этиш функциялари очиб берилган;

ёзувчи ижодидаги образлар ижтимоий моҳиятига кўра таснифланиб, улар ўз даврига сиғмаган ва кечикаётган одамлар образларидан иборат эканлиги аниқланган;

бола образи ва болалик мотивларининг тадрижий кўринишлари адиб ижодининг ғоявий-эстетик моҳиятини ифода этишга хизмат қилганлиги асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Эркин Аъзамнинг 70-йиллар адабий авлодида тутган ўрни масаласи кўрсатилиб, сўнгги давр ўзбек адабиётшунослигида адиб ижодининг ўрганилиши ёритилган;

Адиб насри асосида киноя бадий категорияси “беписанд киноя”, “мазахловчи киноя”, “истехзоли киноя”, “кесатиқли киноя”, “таънаомуз киноя”, “беозор киноя” каби шартли ажратилган, шунингдек, асарларидаги бадий образлар таснифланган.

Э.Аъзам асарларида илгари сурилган ғоялар жамиятнинг маънавий-ахлоқий, этик-эстетик тақомилида муҳим аҳамият касб этиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республикамиз ҳамда хорижлик олимларнинг назарий фикрларига таянилганлиги, муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосаларни таснифлаш, социологик, аналитик, қиёсий-типологик, биографик таҳлил каби методлар орқали далилланганлиги, адабиётшунослик методологияси асосида таҳлил ва талқин қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалардан истиқлол даври ўзбек адабиёти тарихини яратишда, адабиёт назарияси фанининг киноя, образ, адабий таъсир масалаларини ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертацияда илгари сурилган концептуал ғоялар “Адабиётшуносликка

кириш”, “Ҳозирги адабий жараён”, “Адабиётшунослик назарияси”, “Бадиий таҳлил асослари”, “Янги ўзбек адабиёти” фанлари бўйича олий таълим муассасаларида филологик йўналишлардаги талабаларга мўлжалланган дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш, маърузалар ўқиш, шунингдек, адабиёт фани бўйича академик лицей ва умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчиларига истиқлол арафаси ва истиқлол даври ўзбек адабиёти, адабий жараён бўйича машғулотлар олиб бориш, семинарлар ташкил этишда манба бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Эркин Аъзам насри бадиияти бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар асосида:

киноя ва унинг бадиий воситалари пародия, гротеск, парадокснинг қўлланилиши, образ ва унинг табиатини ўрганиш, шунингдек, ёзувчининг халқона сўз, ибора, мақол, матал каби фольклор намуналаридан фойдаланишидаги илмий натижалардан ХТ-Ф-2-004 рақамли “Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари” фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 14 августдаги 89-03-2858 рақамли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши натижасида халқона сўз, ибора, матал, киноя, пичинг, кесатик, образга оид таҳлил ва изоҳланишларда хизмат қилган;

Эркин Аъзам насри бадииятида киноя, образларни талқин қилишнинг замонавий усули сифатида тадбиқ этилган биографик методнинг қўлланилишидаги илмий хулосалардан Ф-1-06 рақамли “Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарқу Фарб адабий анъаналари синтези” фундаментал илмий тадқиқотида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 14 августдаги 89-03-2858 рақамли маълумотномаси). Натижада, лойиҳада Шарқ ва Фарб филологик анъаналари тарихини асослаш, бунда биографик методнинг ўзига хос ўрин тутганлигини қайд этиш бўйича хулосалар чиқариш имкони туғилган.

Эркин Аъзам ҳаёти ва ижодий фаолиятини, адиб ижодига хос бадиият қирраларини, жумладан, насридаги образ ва киноявийлик, унинг бадиий маҳорати масалалари Сурхондарё телерадиокомпаниясининг “Бир асар шарҳи” кўрсатуви ва “Янги аср” радиосининг “Адабиёт гулшани” эшиттиришида фойдаланилган (Сурхондарё телерадиокомпаниясининг 2018 йил 7 августдаги 01-01/913-сонли маълумотномаси). Дастурларда таҳлилларнинг қизиқарли ва жонли бўлиши, ҳозирги адабий жараён масалаларини телевидение ва радио орқали очиб беришда асос бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, улардан 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 145 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Эркин Аъзам ва адабий жараён”** деб номланган бўлиб, икки фаслдан иборат.

*“70-йиллар авлоди ва Эркин Аъзам ижоди”* деб аталган биринчи фаслида 70-йиллар адабий авлоди, мухити ва бу давр адабиётининг бош тамойиллари ҳақида сўз юритилади. Ҳар бир авлоднинг ўз ижодий кредоси бор. Эркин Аъзам мансуб бўлган 70-йиллар адабий авлоди ўзига хос жиҳатлари билан алоҳида ажралиб туради. Улуғбек Ҳамдамнинг эътирофича, *“зояга ишончининг барбод бўлиши ва туб ижтимоий ўзгаришлар (жумладан, истиқлол) заруратининг ҳис этилиши билан боғлиқ ижтимоий кайфият 70-йиллар авлодининг зоявий-эстетик мавқеини белгилаган”*<sup>1</sup>. Бу давр адабиётида ҳаётни бор мураккабликлари билан акс эттириш, инсон қалбига қулоқ тутиш, уни бор бўй-басти билан кўрсатишга интилиш устувор эканлиги сезилади. Айниқса, бу авлод вакиллари орасида Э.Аъзам, М.М.Дўст, Х.Султон, Т.Мурод сингари ижодкорлар ўзбек насри тараққиётини янги поғонага олиб чиқди. Улар ўз овози, ўз услуби билан адабиётга дадил қадамлар билан кириб келди. Ўша давр адабиётшунослиги ва танқидчилиги ҳам айна шу ижодкорлар адабиётимизга янги руҳ олиб кирганлигини эътироф этди. Улар адабиётнинг бош мавзуси инсоншунослик, инсонни тадқиқ этиш эканлигини яна бир бор исбот этдилар. Бу авлод носирлари орасида Эркин Аъзам ижоди алоҳида ажралиб туради. Адибнинг илк ижод намуналаридан то ҳозирги кунга қадар турли жанрларда яратган асарларида биз адибнинг сўзга заргарона ёндашиши, ўзига, адабиётга талабчанлигига гувоҳ бўламиз. Адиб асарларида лиризм, киноя, юмор устунлик қилади. Унинг ижодидаги яна бир хусусият шундаки, адиб асарларидаги инсоний туйғулар, муносабатлар самимий тасвирланади. Инсон табиатининг турфа хиллиги, феъл-атвори, характери адиб асарларида ўзига хос услубда яратилган образлар воситасида ифода этилади.

Бобнинг *“Адиб ижодининг ўрганилиши”* деб номланган иккинчи фаслида адабиётшунослигимиз ва танқидчилигимизда Эркин Аъзам ижодининг ўрганилиши масалалари ёритилган. Эркин Аъзам ижоди у

<sup>1</sup> Ҳамдам У. Янги авлод овози (суҳбат) // Шарқ юлдузи. – 2013. – №1. – Б.117.

адабиётга кириб келган, илк ҳикоялари эълон қилинган пайтданоқ мутахассислар эътибори, эътирофига сазовор бўлган. Агар 70-80 ва ундан кейинги йиллар матбуотини кузатсак, адибнинг ижоди кўплаб мулоҳаза, баҳс ва мунозараларга сабаб бўлганлигига амин бўламиз. Раҳимжон Отаевнинг “Дилрабо кўшиқлар айтилаверсин” мақоласида Эркин Аъзам ижодининг бадиий манзарасини чизиб бериши, нозик кузатишларга асосланганлиги, баҳоланганлиги билан аҳамиятлидир. Унда, асосан, ёзувчининг дастлабки ҳикоялари ва “Отойининг туғилган йили” қиссаси таҳлилга тортилган. Жумладан, танқидчи Эркин Аъзам ижодининг ўзига хос жиҳатларига тўхталар экан, шундай ёзади: “Ёш ёзувчи Эркин Аъзамовнинг ўзига хослиги, яъни тенгдошларидан фарқли жиҳатлари нималарда кўзга ташланади, деган саволга бир сўз билан жавоб бериш, албатта, қийин. Бу – тасвирдаги ўзгача бир самимиятда, фикрий ва ҳиссий эркинликда, тиниқ чизилган кичик-кичик лавҳаларнинг фавқулодда “комбинация”сида, гоҳ енгил кулги, гоҳ заҳарханда пичингга мойиллик ва бир қарашда ғаройиб қистирмаларда... Лекин ёш ёзувчининг ижодий индивидуаллигини таъмин этувчи етакчи хусусият, назаримизда, туйғулар бойлигида очиқ сезилади...”<sup>1</sup>.

Истиқлол йилларидан сўнг адиб ижоди кенг миқёсда, турли мезонлар асосида тадқиқ этилди. Адибнинг биргина “Шовкин” романи ҳақидаги тадқиқотларни олайлик. А.Расулов, И.Ғаниев, Н.Афоқова, С.Тўлаганова, М.Кўчқорова ва С.Қурбоновларнинг<sup>2</sup> асар ҳақидаги мақолаларида унинг ўзбек романчилигида тутган ўрни, образлар тизими, бадиияти ва бошқа жиҳатлари каби масалалар атрофлича ёритилган. Аммо роман ҳали-ҳамон адабиётшунослигимиз ва танқидчилигимизда ўз муносиб баҳосини ололгани йўқки, бунинг сабабларини тадқиқотчи Сафарали Қурбонов, бизнингча, тўғри изоҳлайди: “Аввало, асар биз одатланиб қолган қолипларнинг ҳеч бирига тушмаяпти. Шунга қарамасдан, унга тўғри келадиган тизимни ўйлаб топишга ҳафсала қилмаяпмиз. Иккинчидан, одамга нур бера оладиган собит эътиқодли қаҳрамоннинг ўзи йўқ, борлари ҳам атрофидаги қора кўланкалар ичида йўқолиб кетиш даражасида ожиз. Учинчидан, шу пайтгача кўпчилик адибларимиз томонидан “дахлсизлиги” сақланиб келган қалбнинг туб-тубидаги шахвоний истаклар очиқ-ошқора тасвирланганлиги бир оз эриш туюлмоқда”<sup>3</sup>.

Эркин Аъзам бу романда миллий эътиқод ва қадриятлар қадрсизланишининг туб илдинини кўрсатар экан, воқеликни бежаб-бўямасдан, борича кўрсатишга уринади. Атрофга назар ташласак, ҳаётимизда романда тасвирланган ҳодисаларга ўхшаш ҳолатларга кўп дуч келамиз. Назаримизда, ёзувчи ана шу жиҳатларнинг моҳиятини очишга эришган.

<sup>1</sup> Отаев. Р. Дилрабо кўшиқлар айтилаверсин // Шарқ юлдузи. – 1984. – №2. – Б.163.

<sup>2</sup> Расулов А. Шовкинот бандалари // ЎзАС. 2012, 6 январь; Ғаниев И., Афоқова Н. Иқдор ва исён // Шарқ юлдузи. – 2013. – №1. – Б. 166-169; Тўлаганова С. Янгиланаётган қаҳрамон талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2012. – № 4. – Б.95-99; Кўчқорова М. “Шовкин”нинг шов-шувлари // Ёшлик. – 2013. – №1. – Б. 44-45; Қурбонов С. “Шовкин” романида образлар тизими // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2012. – №4. – Б.99-104.

<sup>3</sup> Қурбонов С. “Шовкин” романида образлар тизими // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2012. – №4. – Б.100.

Диссертациянинг иккинчи боби “Эркин Аъзам ижодига хос бадиият кирралари” деб номланиб, у ҳам икки фаслдан иборат.

Бобнинг “Эркин Аъзам насрида киноя ва унинг воситалари” номли биринчи фаслида адиб насрида киноянинг ўрни масалалари тадқиқ этилган. Ўтган асрнинг 70-80 йиллар адабий авлодига мансуб ижодкорлар, хусусан, айрим носирлар ижодида киноя етакчи эстетик ҳодисага айланди. Айниқса, бу Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам, Аҳмад Аъзам ижодида бош концепция сифатида намоён бўлди. М.Шералиева 70-80 йиллар ўзбек насрида кинояга мойилликнинг ортишига сабаб сифатида даврнинг ижтимоий шарт-шароити, яъни объектив омил ва ижодкорларимиз томонидан персонификацияланган (шахсийланган) ижтимоий дард-кайфият, яъни субъектив омилларни кўрсатиб ўтади<sup>1</sup>. Демак, кинояни илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш ва 70-80-йиллар ўзбек насридаги киноявийликни тадқиқ этиш эҳтиёжи юзага келди. Аммо, шунга қарамай, адабиётшунослигимизда бу муаммо ҳали-ҳамон долзарблигича қолмоқда. Машхура Шералиеванинг “Ҳозирги ўзбек насрида киноя (ижтимоий-психологик омиллари, поэтик тизимдаги ўрни)” номли монографиясида киноя ҳақидаги назарий қарашлар ва унинг 70-йиллар насрида ифодаланиши масаласи махсус тадқиқ этилган бўлса-да, буни муаммони ўрганиш йўлидаги дастлабки қадамлардан бири сифатида баҳолаш лозим. Гарчи XX асрга келиб киноя жаҳон, хусусан, рус адабиётшунослигида кенг миқёсда ўрганилган бўлса-да, ўзбек адабиётшунослигида бу муаммо етарлича тадқиқ этилмаган. Бугунги кунда адабиётшунослик, тилшунослик, фалсафа, социология, эстетика соҳаларида киноя муаммоси кенг миқёсда ўрганилиб, қатор тадқиқотлар яратилмоқда. Айтиш жоизки, дунё фанида киноянинг махсус илмий феномен сифатида тан олинishi ва тадқиққа тортилиши, асосан, ўтган асрнинг охири ва янги асрнинг бошларида юз бераётган глобаллашув жараёни билан чамбарчас боғлиқ. Кузатишлардан маълум бўладики, классик (Сукрот), романтизм, модернизм ва постмодернизм босқичлардан фақат охиргисида кинояни илмий ўрганишга қатъий киришилди, таъбир жоиз кўрилса, киноя билан шуғулланувчи соҳа вужудга келди.

В.Пигулевский фикрича, киноя деганда умумий маънода алдаш (фириб бериш), муғомбирлик ёки ҳақорат қилиш (сўкиш) тушунилади. Киноянинг хусусиятларидан бири унинг одатдаги ва алдашдан фарқли ўлароқ икки баробар экспозициядан иборатлигидадир: тасдиқловчи ва рад этувчи. Муғомбирлик (ясамалик) сифатида киноя икки маъноли, у мақтов кўринишидаги ҳақорат қилиш ҳисобланади. Ёки хушомад кўринишидаги ёмонлаш: blame-by-praise ва praise-by-blame (Knox N.)<sup>2</sup>.

Киноянинг моҳияти эстетик – бу ифоданинг қарама-қарши усули бўлиб, мантиқий парадокс билан эмоционал баҳо муносабати кўшилиб кетади.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Қаранг: Шералиева М. Ҳозирги ўзбек насрида киноя. Монография. – Т.: Akademnashr, 2016. – Б. 35.

<sup>2</sup> [http://www.urgu.info/urguinfofiles/sites/pigulevsky-ironiya/01\\_glava\\_1.htm#1.1-Общий\\_смысл\\_иронии](http://www.urgu.info/urguinfofiles/sites/pigulevsky-ironiya/01_glava_1.htm#1.1-Общий_смысл_иронии)

<sup>3</sup> Пивоев В.М. Ирония как эстетическая категория // Философские науки. – 1982. – № 4. – С.59.

Киноянинг эстетик кўлами етарли даражада кенг. У объектга муносабат билан субъектнинг ҳолатини қамрайди <sup>1</sup>.

Киноя нафақат комик ёки трагиклик касб этади, балки ҳазил, аянчли кўпол-ҳазил ёки ғам-ғуссали беъманилик томон тортади. Ҳаётга қизиқиш муносабати билан киноя ҳафсаласизликдан тажовузкорлик ва ғалаёнгача, оҳангни қувноқликдан алмаштириб, енгил ҳазилни сатира ва сарказмгача етказилади <sup>2</sup>.

Адабиётшунослигимизда Эркин Аъзам ижодидаги киноя ва унинг кўринишлари М.Шералиева, М.Қўчқорова, ўзбек тилшунослигида эса Ё.Одилов, Д.Анданиёзовлар тадқиқотларида махсус ўрганилган. Эркин Аъзамнинг “Совуқ” ҳикояси, “Жавоб” қиссаси кабиларда муаллиф ва қаҳрамон қарашлари билан реаллик ўртасидаги муносабатларида киноявийлик кўзга ташланса, “Отойининг туғилган йили”да эса киноя сарказм даражасига кўтарилади. “Таъзия”да ҳам мустабид тузум ижтимоий муҳити одамлари тушиб қолган вазиятларда киноявийлик кузатилади. “Жавоб” матнида ҳам киноянинг бир неча кўринишлари учрайди. Бу, айниқса, Элчиевнинг ўғли Камолиддин ва дўсти Ҳайдарнинг муносабатларида яққол намоён бўлади.

Элчиевнинг кадрдон дўсти Ҳайдар Самадовнинг унга нисбатан дўстона муносабати тобора ўзгариб боради. Дастлаб дўстона “*Нуриддин жўра*”<sup>3</sup> мурожаати кейинчалик “*ҳа, Нуриддинбой*” (114-б.) (*мазахловчи киноя*), “*Элчиев*” (114-б.) (*беписанд киноя*), “*Элчиевич* (114-б.)” (*истеҳзоли киноя*)га томон эврилиб борар экан, Элчиевнинг жамиятда кичкина, ортиқча одамга айланиб бораётганлигини англатади. Қолаверса, диссертацияда “Отойининг туғилган йили” қиссаси ҳамда “Таъзия” ҳикоясидаги киноявийлик масалалари ҳам ёритилган.

Мазкур бўлимда яна адибнинг киноявий бадиий шартлилик воситалари бўлган пародия, гротеск ва парадоксдан фойдаланиш маҳорати ўрганилган. В.Пигулевскийнинг таърифича, “ниманидир масхара қилиш, нуқсонлардан кулиш киноя ва пародияни умумлаштирадиган белгилардир. Агар кинояда ўхшатиш, сохтачилик устунлик қила бошласа, у ҳолда нарсалар ўрни алмашиниб, киноя пародияга ўта бошлайди. Улар ўртасидаги фарқ шундаки, пародиядаги тақлид кинояга унчалик дахлдор эмас. Бундан ташқари, киноя субъектни кўкка кўтаради, баъзан манманликка ёки нафратланишгача ҳам бориши мумкин, бу интеллектуал, чуқур маъноли киноядир. Пародияда, энг муҳими, эмоционал ҳолат комизм ҳисобланиб, тақлидчи ҳолати нисбатан четлаштирилган ва камроқ маънога эга бўлади”<sup>4</sup>. Эркин Аъзам насрида “Пакананинг ошиқ кўнгли” қиссаси алоҳида ажралиб туради. Қиссада пакана киноя ва пародия даражасига олиб чиқилган. Асардаги пародияда аслида

<sup>1</sup> Кононенко Е.И. Эстетический диапазон иронии // Проблемы эстетической культуры и искусства. – М., 1982. – С. 114.

<sup>2</sup> [http://www.urgj.info/urgjinfocfiles/sites/pigulevsky-ironiya/01\\_glava\\_1.htm#1.1-Общий\\_смысл\\_иронии](http://www.urgj.info/urgjinfocfiles/sites/pigulevsky-ironiya/01_glava_1.htm#1.1-Общий_смысл_иронии)

<sup>3</sup> Аъзам Э. Жавоб / Кечикаётган одам. Қиссалар. – Т.: “Шарқ”. 114-б. (Кейинги кўчирмалар ҳам шу манбадан олинди, фақат бети кўрсатилади).

<sup>4</sup> [http://www.urgj.info/urgjinfocfiles/sites/pigulevsky-ironiya/01\\_paragraf\\_1-3.htm](http://www.urgj.info/urgjinfocfiles/sites/pigulevsky-ironiya/01_paragraf_1-3.htm)

дунё тарихида босқинчилиги ва зулмкорлиги билан ном қозонган Ленин, Сталин, Гитлер кабиларнинг паканалигига ишора қилинган. “Пакананинг ошиқ кўнгли”да ана шу тарихий шахсларнинг прототиби шартли қилиб олинган ва уларнинг паканалиги бўрттириб кўрсатилган. Бу эса пародиянинг асосий хусусиятларидан биридир. Асардаги мана бу парчага эътибор қаратайлик: “...Шахсан ўртоқ Сталинни даволаган (қизик, нимасини даволаган экан – қоқшол кўлиними, бужур бетиними, пакана бўйиними ё бедаво миясиними?) табиби калоннинг амри (таржима орқали, албатта) билан бемор, яъни Пакана шу ернинг ўзида, йўлакда қип-яланғоч бўлиб ечинади” (Э.Аъзам. “Пакананинг ошиқ кўнгли”, 48-49-бетлар). Ёки “дафъатан миясига бир фикр урилади: не-не зотларни таъмирлаган бу мўъжизакорнинг (куриялик табиб – О.Ш.) ўзи пакана, собиқ Паканадан ҳам пакана-ку!” (Э.Аъзам. “Пакананинг ошиқ кўнгли”, 53-б.). (Таъкид бизники – О.Ш.).

“Тули-гули” киноя, пародия, парадокс, халқона сўз ва иборалар, қочиримларга бой. Асарда пародиянинг тарихий шахс ва адабий қаҳрамонларга пародия тури учрайди. “Пакананинг ошиқ кўнгли”да собиқ “дохий”ларнинг паканалиги пародия қилинган бўлса, “Тули-гули”да эса “дохий”нинг каллиги пародия остига олинган. Бу ўринда ўша даврнинг бош подшоси Никита Хрущевга ишора қилинганлигини илғаб олиш қийин эмас. “Тули-гули”да мустабид тузумнинг носоз муҳити, одамлар ўртасидаги муносабатларнинг сохталашиб, иллатларнинг тобора авж олиб бориши кабилар киноявий тарзда кўрсатиб берилган. Бу асар адиб ижодидаги киноявий услубнинг энг ёрқин намуналаридан ҳисобланади. М.Кўчқорованинг таъкидлашича, “адиб томонидан ўйлаб топилган “ўтмиш сарқити – каллик”, “каллика маҳқум этилганлар”, “калхона”, “собиқ каллар”, “катта ёшли каллар”, “катта каллар”, “калик иллоти”, “кал подшо”, “Мўмин кал” каби сўз ва иборалар халқа мисоли бир-бирига уланиб, қиссада рамзий-халқали-киноявий образлиликни вужудга келтирган”<sup>1</sup>. Умуман, асардаги рамзийлик, киноявийлик остида жамиятнинг, миллатнинг кечаги кунига оид аччиқ ҳақиқатлар тасвирланади.

Эркин Аъзам ижодида парадокс ҳам кузатилади. Парадокс ўзбек адабиётида кам учрайдиган киноявий бадиий шартлилик воситаларидан бири ҳисобланади. Эркин Аъзамнинг “Байрамдан бошқа кунлар” қиссасида парадокс ҳодисасига дуч келамиз. Асар бош қаҳрамони Бакир оддий автобус ҳайдовчиси бўлиб ишлайди. Санъатшунос қиз Баргидага уйланган Бакир бошқа бир муҳитга тушиб қолади. Чунки Бакирнинг оилавий муҳити билан Баргиданинг оилавий муҳити бир-бирига қарама-қарши. Оддий оилада тарбия топган Бакирнинг бир муддатлик ҳаёти ҳар куни базм, байрам, сохтагарчиликлар, алдовлардан иборат бўлган ниқобдорлар – Мимо, Афрўза Камоловна, Миша тоға (Муфтилла), Барно, Баргида, Басира, Чиннибек, Уккибоев, Сафуралар даврасида кечади. Табиатан содда, ишонувчан Бакир умри алдовларда ўтаётганлигини англаб етади. Буни англатишда эса

<sup>1</sup> Кўчқорова М. Эркин Аъзам насри ва киноявий бадиий шартлилик //Эркин Аъзам бадиий олами: Илмий мақолалар ва суҳбатлар тўплами. – Т.: Turon zamin ziyo, 2014. – Б.87.

ниқобдорлар даврасининг аъзоси Сафура катта роль ўйнайди. Алдовлар оқибатида тақдири ниқобдорлар жамияти билан боғланиб қолган Сафура бу даврага Бакирни раво кўрмайди. Бу эса парадоксал ҳолатдир.

Бобнинг “Анъана, таъсир ва типологик ўхшашлик” фаслида Эркин Аъзам насрий асарлари жаҳон адабиёти ижод намуналари билан қиёсий планда ўрганилиб, улардаги таъсир ва типологик ўхшашликлар аниқланган. Адабий таъсир билан бир қаторда адабий ҳодисалар орасида типологик ва генеологик ўхшашликлар ҳам кенг учрайди.

Мазкур фаслнинг ўзи ҳам икки кичик қисмга бўлинган. Фаслнинг “Хамелеон” ва “Аралашқўрғон”: қиёс ва талқин” номли қисмида Эркин Аъзамнинг “Аралашқўрғон” ва рус ёзувчиси Антон Чеховнинг “Хамелеон” ҳикояларини қиёсий-типологик аспектда ўрганиш асносида адиб ижодига рус адабиётининг, хусусан, А.П.Чехов ижодининг таъсири ўрганилган. “Аралашқўрғон” ва “Хамелеон” ҳикоялари ёзилиш услуби, вақт ва макон, композицияси жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Лекин улар ўртасида баъзи муштараклик, ўхшаш жиҳатлар ҳам кўзга ташланади. Иккала ҳикояда ҳам воқеалар кучук детали атрофида кечади. Бунда эса ҳар икки ҳикоя қахрамонларининг буқаламун характери намоён бўлади. А.Чехов ҳам, Э.Аъзам ҳам ўз индивидуал услубини намоён этади. Албатта, “Аралашқўрғон” ҳикоясининг яратилишида Чехов “Хамелеон”ининг таъсири йўқ деб бўлмайди.

Фаслнинг иккинчи “Образларнинг қиёсий тадқиқи: типология ва индивидуаллик” қисмида Эркин Аъзамнинг “Жавоб”, Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” ва Хайридин Султоновнинг “Ёзнинг ёлғиз ёдгори” қиссаларидаги муте, ожиз одамлар образи қиёсий аспектда ўрганилган.

Мавжуд сиёсий тузумнинг асосий мақсади инсонни итоатгўй, муте ҳолда унга сўзсиз бўйсунувчи объектга айлантириш эди. Муте одам ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилмайди. Юқоридан берилган барча топшириқларни сўзсиз бажаради. Инсон бундай жамиятда бора-бора ўзлигини унута боради. Зиёлилар, айниқса, ижодкорлар инсон онги ва руҳиятида тобора илдиз отиб бораётган мутеликнинг фожиали оқибатларини англаган ҳолда унга ўз муносабатларини билдира бошладилар. 70-80-йилларда шўро адабиётида тобелик, мутеликнинг асл моҳияти, оқибати кўрсатилган бир қатор асарлар яратилди. Биз юқорида тилга олган қиссаларни қиёсий ўрганиш жараёнида Мўмин чол (“Оқ кема”), Элчиев (“Жавоб”) ва Адаш Карвон (“Ёзнинг ёлғиз ёдгори”) образлари типологик, ўзаро муштарак жиҳатларга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Элчиев, Мўмин чол ва Адаш Карвон образларини табиатан мутелик, тобелик, бахтсизлик муштарак боғлаб турганидек, уларда ҳар бир ёзувчининг индивидуаллиги ҳам яққол кўринади. Юқоридаги образлар табиатидаги мутеликни биз давр, жамият, тузум, инсоннинг ички кечинмалари нуқтаи назаридан қиёсан тадқиқ этдик. Ҳар қайси ижодкор бир воқеликни турли ракурсларда ифодалаши адабиётда кўп учрайдиган ҳодиса эканлигини биламиз. Демакки, образ яратишда ҳар бир ижодкорнинг бадиий маҳорати ва услуби намоён бўлади. Ҳар учала образ орқали мутелик, ожиз одам руҳиятидаги эврилишлар ва уларнинг жамият билан муносабатлари

очиб берилади. Мўмин чол (“Оқ кема”) муте, итоаткорлиги сабаб куёви Ўрозкул томонидан ҳақоратланади. Чолнинг қалбида унга нисбатан исён барқ урса-да, лекин у дарҳол барҳам топади. У кураш йўлида заиф ҳаракат қилади. Ўзи эътиқод қиладиган, миллат рамзи бўлган Шохдор буғуларни ўз кўли билан ўлдиради. Мўмин чол ҳаёти фожиа билан яқунланади. Мўмин чол муте, ожиз, ночор ва нотавон образ сифатида ўз даврининг ёрқин тимсоли бўлиб қолди. Элчиев (“Жавоб”) эса зиёли қатлам вакили. Ташқаридан караганда, бекаму кўст кўринадиган Элчиевнинг ички оламидаги эврилишларни ёзувчи очиб беради. Ўз жонига қасд қилиб, ундан омон қолади ва касалхонада ётиш жараёнида ўз ҳаётини сарҳисоб қилади. Асар якунида биз Элчиевни Мўмин чолдан фарқли ўлароқ, ҳаётини янгидан бошлашга аҳд қилган, тамоман ўзгарган ҳолда кўрамыз, яъни Элчиев кураш йўлига киради. Адаш Карвон (“Ёзнинг ёлғиз ёдгори”) дин кишиси, у болалигидан диний таълим олган. Адаш Карвон айбсиз айбдор сифатида умрининг энг навқирон йилларини совуқ ўлкаларда ўтказади. Бундай ҳодисалар тоталитар тузум шароитида кўп учрар, ҳибсга олинганлар ҳатто ўз айбини ҳам билмас эдилар. Адаш Карвон ҳам шундайлардан бири. Кетма-кет фожиа (ўғли ва кампиридан жудо бўлиши) уни гангитиб қўяди. Лекин асар сўнггида унинг қалбида умид учкунлари пайдо бўлганлиги, яшашга иштиёқ уйғонганлигини кўрамыз. Адаш Карвон ёлғиз ўғлининг қотили Сатторни ҳам кечиради. Кечирим сўраш учун “ёруғ кунда, ёруғ юз билан” боришга аҳд қилиши унинг қалбида янгича яшашга бўлган иштиёқнинг намунасидир. Шўролар тузумининг “бахтиёр жамиятда бахтсиз кишилар йўқ” деган ашуласи баралла овозда куйланган бир шароитда Ч.Айтматов, Э.Аъзам ва Х.Султонларнинг бахтсиз одам образини яратиши адабиётда янгилашлар даври бошланаётганлигидан нишона эди. Айниқса, Э.Аъзамнинг “Жавоб” қиссасида инсон ва ижтимоий муҳит ўртасидаги зиддиятлар ҳаққоний тасвирлаб берилган. Шу жиҳатдан, Н.Элчиев даврининг типик қаҳрамони эди.

Ишнинг учинчи боби “**Эркин Аъзам насрида образлар табиати**” деб аталади. Ушбу бобда ёзувчи насрида образлар тизими, адибнинг образ яратишдаги ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган. Эркин Аъзам насридаги бир қатор образларни давр ва ижтимоий муҳит билан боғлиқ равишда ўз даврига *сизмаган* ва *кечкаётган одам образи* сифатида таснифлаб ўрганиш, образларнинг фаол иштирокига кўра эса “*аёллар образининг янгича талқини*” ҳамда “*бола образи ва болалик мотиви*”га ажратиш мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаи назардан боб тўрт фасли ўз ичига олади. Унинг биринчи фасли “*Ўз муҳитига сизмаган одам образи*”да Эркин Аъзам насрида учрайдиган шу типдаги образлар таҳлил қилинади. Унинг ижодида ўз муҳитига *сизини истамай, аллақандай юксаклик сари талпинган ёшлар* (Р.Отаев) – *яшаш муҳитидан норози, кўнгли нимадандир тўлмайдиган, ўжар, қайсар ва исёнкор одамлар образи* кўп учрайди. Бу типдаги образларни ёзувчининг жамиятдаги воқеликларга, мавжуд қолип ва анъаналарга нисбатан акс муносабати билан боғлаш мумкин. Бу масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томондан, инсонни ўйлантираётган, қалбида, онгида содир бўлаётган жараёнларни нозик жиҳатлари билан ифодалаш, инсоннинг табиати

мураккаб ва сирли эканлигини, туйғуларининг хилма-хиллигини кўрсатиш натижаси деб тушуниш лозим. Имомов (“Баҳор”, “Баҳорни кувиб”), Рамазон (“Анойининг жайдари олмаси”), Бердибой (“Пиёда”), Асқар Шодибек ўғли (“Отойининг туғилган йили”)ларни ўз муҳитига сиғмаган образ сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Жаббор Имомов (“Баҳор”, “Баҳорни кувиб”) ўз яшаш муҳитига сиғмайди, талабалик йилларидаги жўшқин ҳаётни излаб шаҳарга отланади; Рамазон эса анойи, чапани, афандисимон образ сифатида акс эттирилади. Баъзи бир нуқталарда Рамазон билан Имомов ўртасида ўхшаш жиҳатлар бор. Рамазон тоғасининг қизига уйланишни истамаса, Имомов аммасининг қизига кўнгил беролмайди. Улар атрофини ўраб турган одамлар, муҳитдан қочади. Шунингдек, фарқли жиҳатлар ҳам бор. Рамазон табиатан сахий, очиккўнгил, ишонувчан, киришувчан бўлса, Имомов эса одамохун, камгап. Рамазон ўз манфаатидан кўра умумманфаатини кўпроқ ўйлайди. Имомовда эса ўз манфаатлари устун. Аслида ҳар икки қаҳрамонни ўзлигини излаб йўлга чиққан инсон образи сифатида баҳоласак тўғри бўлади. “Пиёда” ҳикояси бош қаҳрамони Бердибой адиб ижодидаги энг мураккаб образлардан бири. Дунёдаги одамларнинг ҳар бир ўз оламига эга. Бир қарашда, Бердибой, эскича фикрлайдиган, эскича дунёқарашга эга шахс сифатида кўринади. Унинг атрофида содир бўлаётган янгиланишларни қабул қила олмагани шундай таассурот қолдиради. Бердибой шиддат билан олдинга қараб интилаётган ҳаётга *пиёда* йўлга чиққан йўловчи. У замонасидаги анъаналарни ўзгартиришга бор кучи билан чиранса-да, ҳеч қандай натижага эриша олмайди. Мустабид тузум шароитида миллатнинг топталаётган, оёқости қилинаётган азалий қадрият ва анъаналари, тили ва динининг эртасидан қайғураётган адиб Бердибой тимсолида асрлар бўйи шаклланиб келган бой маънавий меросимиз, ўзаро меҳр-оқибат, ҳурмат, садоқат сингари туйғуларга бефарқ бўлмасликка чақиради. Асқар (“Отойининг туғилган йили”)даги ўжар, қайсарлик табиати Э.Аъзамнинг ҳикояларидаги шу типдаги қаҳрамонларидан ўсиб чиққан, уларнинг хислатларини ўзида мужассамлаштирган. Бизнингча, бу образни ўша давр танқидчилиги тенденцияларидан бўлган қаҳрамоннинг курашчан ёки курашчан эмаслигига қараб баҳоламаслик керак. Тўғри, атрофдаги воқеликаларга бўлган муносабати уни шундай позицияда тургандек кўрсатади. Аммо Асқар ижтимоий муҳитни ўзгартираман, унга қарши курашаман деб мақсад қилмайди. Бир ўзининг бунга кучи, имкони етмаслигини ҳам яхши билади. Фақат у кўриб-билиб турган, жамиятдаги тобора илдиз отиб бораётган лоқайдлик, хушомадгўйлик, сохтагарчилик каби иллатлар гирдобидан ўзини йироқ тутди. Мана шу жиҳати уни атрофдагилардан ажратиб туради. Унинг анъанавий, бир қолип ва схемадаги инсон эмаслиги, ўзига хос характер эгаси эканлиги адабиётимиздаги янги типдаги образнинг намунаси сифатида кўрсатади. Умуман, Асқар Шодибек ўғлини фақат чапани, шартаки, беандиша эмас, балки ўз даври муҳити билан муросасиз, маънавий-ахлоқий қарашлари, эътиқодига собит турган образ сифатида баҳолаш мумкин. Эркин Аъзам ижодидаги бу қаҳрамонлар адибнинг мавжуд ижтимоий муҳитга бўлган муносабати, атрофидаги

